

ОЙБАРЧИН АБДУЛҲАКИМОВА

# ЭПИК ТАСВИР ҚИРРАЛАРИ

Алишер Навоийнинг  
“Садди Искандарий” достони мисолида

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2016

**УЎК:**

**КБК: 85.1 (5Ў)**

**A – 15**

**Абдулҳакимова, Ойбарчин**

Эпик тасвир қирралари: илмий тадқиқот / Ойбарчин Абдулҳакимова. Масъул муҳаррир Узоқ Жўрақулов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 68 б.

ISBN 978-9943-27-799-1

Буюк мутафаккир Алишер Навоий “Хамса”сидаги эпик тасвир анъаналари замонлар ўтса-да ўз аҳамиятини йўқотмайди. Ёш тадқиқотчи Ойбарчин Абдулҳакимованинг ушбу китобида “Садди Искандарий” достони мисолида Навоийга хос эпик тасвир қирралари ўрганилган. Муаллифнинг таҳлил ва кузатишлари, илмий хулосалари сизни бефарқ қолдирмайди, деган умиддамиз.

**УЎК:**

**КБК: 85.1 (5Ў)**

**Масъул муҳаррир:**

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ,

филология фанлари номзоди

**Тақризчилар:**

Нафас ШОДМОНОВ,

филология фанлари доктори

Қодиржон ЭРГАШЕВ,

филология фанлари номзоди

ISBN 978-9943-27-799-1

© Ойбарчин Абдулҳакимова. «Эпик тасвир қирралари». «Янги аср авлоди», 2016 йил.

## КИРИШ

Эпик тасвир воқеликнинг ўзига хос ифода усули ўлароқ бадий адабиётнинг, жумладан, лирозепик асарларнинг асосини ташкил этади. Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг “Хамса”си эпик тасвирнинг мукамаллиги билан алоҳида ажралиб туради. Буюк бешлик юзасидан жуда кўп тадқиқотлар яратилган бўлишига қарамай, асарда эпик тасвир масаласининг ҳанузгача ўрганилмай келаётгани “Хамса” бадий қуввати тўлақонли тадқиқ қилинмаганининг асосий сабабларидандир.

Президентимиз буюк мутафаккир фаолиятига мана бу тарзда юксак баҳо беради: “Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир”<sup>1</sup>. Давлатимиз раҳбари тўғри таъкидлаганидек, инсон қалбининг қувончу қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам учрайди. Қолаверса, она тилига муҳаббат, унинг ифода имконияти кенглиги, дунёдаги энг бой тиллардан бири экани ҳақидаги фикр онгу шууримиз, юрагимизга Навоий асарлари орқали кириб келади. Бундан ташқари, буюк мутафак-

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 47-бет.

кир асарлари миллий маънавиятимизни юксалтиришда, ёшларимизда комил инсонга хос фазилятларни шакллантиришда қудратли маърифий воситадир. Юртбошимизнинг бу борадаги фикрлари Алишер Навоийнинг буюк шахси ва бебаҳо адабий меросига оид билимларимизни бойитиши баробарида, улўф шоир асарларини янада чуқурроқ ўрганиш заруратини кун тартибига қўяди.

Адабиётшунос Б.Саримсоқовнинг фикрича, “...эпосда ижодкор оддий ҳикоячи сифатида воқелик ортига яширинган бўлади. Бироқ бу эпосда бадиий кечинма бўлмайди, дегани эмас. Агар лирикада шахс ва унинг ҳис-туйғуларидан воқеликка қараб борилса, эпосда воқеликдан шахсга қараб борилади”<sup>2</sup>. Шундай бўлгач, воқелик тасвири воситасида муаллиф руҳияти ва дунёқарашини, тафаккур кўлами ва образли мушоҳада салоҳиятини ҳис этиш имконини берувчи эпик тасвир сирларини ўрганишнинг аҳамияти нечоғлик катта экани исбот талаб қилмайди. “Ҳамса”нинг бешинчи достони “Садди Искандарий” эпик тасвир муаммоси кесимида ўрганилиши ана шу жиҳатдан ҳам долзарбдир.

“Асарнинг образлилигини – бадиийлигини камолга етказувчи руҳий, ҳиссий ва ақлий жараён”<sup>3</sup> ҳисобланган эпик кечинма эпик тасвир орқали намоён бўлади. Қаҳрамонлар портрети ва характери, жамият ва моҳият, пейзаж ва интерьер тасвири – булар эпик тасвирнинг ўзига хос компонентлари бўлиши баробарида яхлит ҳолда унинг негизини ташкил этади. Бу эса, ўз

---

<sup>2</sup> Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. – Т.: 2004, 81-бет.

<sup>3</sup> Ўша асар, 82-бет.

навбатида, бадий асарнинг асоси бўлган эпик тасвир муаммосининг “Садди Искандарий” сингари бадииятнинг мукамал намунаси мисолида ўрганилиши нақадар муҳим эканига яна бир далилдир.

### **Қисқача мавзунинг ўрганилиш тарихи ҳақида**

А.Эркиновнинг “Алишер Навоийнинг пейзаж яратиш маҳорати (“Садди Искандарий” достони мисолида)”<sup>4</sup> мавзусидаги номзодлик диссертациясида шоирнинг пейзаж яратиш маҳорати, табиатга муносабатининг гуманистик асослари сингари масалалар таҳлилга тортилган. Достондаги ғояларнинг пейзаж билан боғлиқ жиҳатлари, қиш ва баҳор тасвирини яратишдаги муаллиф услуби, фасллар манзарасини чизишда образ, бадий санъат ва қофиянинг тутган ўрни, буюк шоирнинг экзотик тасвир яратиш маҳорати тадқиқ қилинган.

Натан Маллаев “Сўз санъатининг гултожи”<sup>5</sup> китобида Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонини тадқиқ этар экан, Искандар шахси ва образи талқинига алоҳида тўхталади. Олим Искандар образининг генезиси, яъни тарихий илдизлари, у ҳақдаги ривоят афсоналардан бадий асарларгача – барчаси хусусида муҳим маълумотларни келтиради, уларга илмий нуқтаи назардан муносабат билдиради, аҳамиятли хулосалар чиқаради.

---

<sup>4</sup> Эркинов А. Алишер Навоийнинг пейзаж яратиш маҳорати (“Садди Искандарий” достони мисолида) диссертация. – Т., 1990 йил.

<sup>5</sup> Маллаев Н. Сўз санъатининг гултожи. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1991 йил.

Фозила Сулаймонованинг “Шарқ ва Фарб”<sup>6</sup> китобида Искандарнинг Ўрта Осиёга юриши, у ҳақдаги асарлар ва бу образнинг Шарқ адабиётида тутган ўрни ҳақида фикр юритилган.

Абдулла Аъзамнинг “Навоий ва юнон донишмандлари”<sup>7</sup> мақоласида македониялик Александр, афсонавий фотиҳ Искандар ва Қуръони каримда зикр этилган Зулқарнайн фарқланган. Олим уларнинг шахс сифатида ҳам, образ сифатида ҳам алоҳида-алоҳида эканини таъкидлайди.

Академик Азиз Қаюмовнинг “Садди Искандарий”<sup>8</sup> асарида дoston мазмуни, “Хамса”нинг яқунланиши, Искандар ва Доро мулоқоти, Искандарнинг Фируз билан суҳбати, Ватан ва табиат тасвири, дostonдаги ҳикоя ва ҳикматлар каби масалалар таҳлил этилган. Олимнинг фикрича: “Искандар мавзуида ёзилган дostonларни, албатта машҳур фотиҳнинг таржимаи ҳоли ёки унинг юришлари хроникаси деб қараш мутлақо асоссиз ва хато фикрдир. Бу дostonлар шу машҳур шахс орқали ўша мутафаккир муаллифларнинг ўз ижтимоий-сиёсий, фалсафий, тарбиявий, эстетик қарашларини ифодаловчи асарлардир”.

Ф.Отахоновнинг “Искандар... Зулқарнайнми ёки Мақдуний?”<sup>9</sup> мақоласида “Зулқарнайн” сўзининг маънолари қисқача шарҳланиб, Александр Македонский ва Қуръони каримдаги

---

<sup>6</sup> Сулаймонова Ф. Шарқ ва Фарб. – Т.: Ўзбекистон, 1997 йил.

<sup>7</sup> Аъзам А. Навоий ва юнон донишмандлари. //Тафаккур. 2005. №2

<sup>8</sup> Қаюмов А. Асарлар. 1-жилд, 2-китоб, – Т.: Мумтоз сўз, 2008 йил.

<sup>9</sup> Отахонов Ф. Искандар...Зулқарнайнми ёки Мақдуний. // Ирмоқ, 2007. №4

Зулқарнайн бошқа-бошқа экани, улар яшаган давр 2700 йилга фарқ қилиши айтилади.

Ғарб адабиётида ҳам Искандар ҳақида кўплаб асарлар ёзилган. Плутархнинг “Искандар Мақдунли”<sup>10</sup> асари шулар жумласидандир. Асарда адиб Искандар ҳаётини тасвирлар экан, асосий эътиборни унинг руҳиятини кўрсатувчи ҳолатлар талқинига қаратади.

Квинт Курсий Руфнинг ўн китобдан иборат “Македониялик Искандар” асарида ҳам жаҳонгирнинг ҳаёт йўли ёритилган. Лукианнинг “Ўликлар дунёсидаги суҳбатлар” асаридаги Искандар образи талқини ўзига хослиги билан алоҳида ажралиб туради.

Мазкур тадқиқотларда эътиборга молик натижаларга эришилган бўлса-да, Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони буюк шоирнинг эпик тасвир яратиш маҳорати нуқтаи назаридан текширилган эмас. Ушбу рисолада мазкур илмий-назарий муаммони маълум даражада таҳлил этишга уриндик. Талқин ва таҳлилларимизда камчиликлар учраши табиий. Уларни тузатиш юзасидан таклифларни мамнуният билан қабул қиламиз.

---

<sup>10</sup> Плутарх. Сайланма. – Т.: Янги аср авлоди, 2006 йил.

## I БОБ

### “САДДИ ИСКАНДАРИЙ”ДА ПОРТРЕТ ВА ХАРАКТЕР ТАСВИРИ

Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонида эпик тасвир муаммосини ўрганишда аввало эпик усул нима экани масаласига мурожаат этиш зарурати сезилади. Адабиётимизда эпик, лирик, драматик турлар мавжуд. Эпик тур ҳақида олим Т.Бобоев қуйидаги фикрларни билдиради: “Эпик усулнинг ўзига хослиги шундаки, бунда ҳаёт воқеа-ҳодисалари, одамлар бевосита кўрсатилади. Воқеаларни кенг ҳикоя қилишга асосланган адабий асарлар гуруҳига эпик тур ва эпос (юнонча эпос – ривоя, ҳикоя, сўз, нутқ) деб аталади”.<sup>11</sup>

Эпик тасвир ўз ичига портрет ва характерни ҳам қамраб олади. Портрет инсоннинг ташқи қиёфасини, бўй-бастини, юз тузилиши ва хусусиятларини бадиий тасвир воситасида ўқувчи кўз ўнгида яққол намоён этади, бу орқали қаҳрамон ҳақида тасаввур пайдо қилади.

Назарий адабиётларда: “Портрет эпик асарнинг композицион унсури бўлмиш тавсифнинг бир кўринишидир. Шартли равишда статик ва динамик портрет турлари фарқланади. Статик дейилишига сабаб шуки, портретнинг бу навида персонажнинг ташқи қиёфаси сюжет воқеаси тўхтатилган ҳолда анча муфассал, деталлаштириб чизилади. Одатда бундай портретлар пер-

---

<sup>11</sup> Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002 йил.



сонаж асар воқелигига илк бор кириб келган паллада бериледи. Динамик портрет деганда эса муфассал тасвир эмас, балки воқеа ва диалоглар тасвирида, яъни ҳаракат давомида бериб борилувчи персонаж ташқи кўринишига хос айрим деталлар назарда тутилади. Бундай портрет деталлари (юз-кўз ифодалари, тана ҳолати ва ҳаракати, қилиқлари) кўпроқ ремаркалардан жой олади ва персонажнинг айна пайтдаги руҳий ҳолатини ифодалашга хизмат қилади”<sup>12</sup>.

Характер портрет тушунчаси билан уйғун равишда намоён бўлади, яъни портрет инсоннинг ташқи қиёфасини кўрсатиб берса, характер инсоннинг ички оламини ёритишга хизмат қилади.

Назарий манбаларда: “Характер – (юн. Charakter – из, белги, фарқловчи хусусият) бадий характер; муайян давр ва муҳит кишиларига хос энг муҳим умумий хусусиятлар билан алоҳида шахсга хос индивидуал хусусиятларни ўзида уйғун мужассам этган инсон образи”, дея таърифланади.

Т.Бобоев характернинг моҳиятини аниқлайдиган икки асосий жиҳатни ажратиб кўрсатади: 1) шахс ирода йўналишини кўрсатувчи хусусият; 2) хулқ-атворни белгилайдиган индивидуал руҳий белгилар: мардлик, кўрқоқлик, инсофлик, инсофсизлик, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, ишёқмаслик, дангасалик кабилар<sup>13</sup>.

Ранг-баранглиги, тасвирлар бадий жиҳатдан сайқалланиб, гўзал тарзда ифода этилиши билан

---

<sup>12</sup> Қуроноф Д., Мамажоноф З., Шералиева М. Адабиётшунослик луфати. – Т.: Академнашр, 2010 йил.

<sup>13</sup> Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент, Ўзбекистон, 2002 йил.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/1972> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1972> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/1972>